



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 31 МАЙ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 89 (13.936)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 май куни ҳукумат раҳбарлари даражасидаги Қўшма комиссиянинг биринчи мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Дмитрий Медведевни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий куллар экан, стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳидаги икки томонлама муносабатлар жадал ривожланаётгани ва изчил мустақамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Россия Ҳукумати Раиси, ўз навбатида, самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда олий даражадаги мунтазам ва самарали мулоқот, Россия Президентининг ўтган йил октябр ойида мамлакатимизга давлат таширичи чоғида эришилган келишувларнинг биргаликда амалга оширилиши кўп қиррали Ўзбекистон – Россия алоқаларини кенгайтиришга, амалий ҳамкорликни аниқ дастур ва лойиҳалар билан бойитишга хизмат қилгани таъкидланди.

Ўзаро алоқалар ва алмашувлар фаоллашгани алоҳида қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича "яшил йўлак" самарали ишламоқда, тўқимачилик маҳсулотларини етказишда соддаштирилган божхона тартиби жорий этилган.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича икки томонлама дастур доирасида ҳудудлар ва ишбилармонлар даражасида умумий қиймати 13 миллиард доллардан зиёд йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Бугун Ўзбекистонда Россиянинг "Газпром", "Лукойл", "Форус", "Татнефть", "Силовые машины", "Камаз", "Евроцементгруп", "Газпромбанк", "ВЭБ" ва бошқа кўплаб етакчи компания ва банклар фаол ишламоқда.

Маданий-гуманитар алоқалар мустақамланмоқда. Яқинда мамлакатимизда Россия маданият марказининг 25 йиллиги кенг нишонланди, россиялик ватандошларнинг минтақавий конференцияси ва Москва давлат халқаро муносабатлар институти битирувчиларининг бешинчи халқаро форуми муваффақиятли ўтказилди.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда турли иқтисодий тармоқлардаги устувор инвестиция лойиҳаларини жадаллаштиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

"Росатом" давлат корпорацияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда атом электр станциясини қуриш бўйича стратегия лойиҳани ўз вақ-

тида ва сифатли тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо алоқалари ва ишлаб чиқариш кооперациясини янада фаол ривожлантириш учун мамлакатларимиз ҳудудларининг салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳим экани таъкидланди. Худудлар маъмурияти ва ишбилармон доиралар даражасида алмашувларни фаоллаштиришга келишиб олинди.

Шунингдек, илмий-техник ва гуманитар ҳамкорликни мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қўшма комиссиянинг биринчи мажлиси бўлажак олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик кўришда муҳим босқич бўлиши ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб олишга хизмат қилиши қайд этилди.

Учрашув якунида томонларнинг Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги узоқ муддатли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш, кенг қўламли амалий ҳамкорликни мустақамлашга тайёр экани ва бу борадаги интилиши қатъийлиги таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бутун мусулмон аҳли учун муқаддас айём – муборак Рамазон Ҳайитининг халқимиз ҳаётидаги беқубс ўрни, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, саховат ва шукроналик каби олижаноб қадриятларни қарор топтиришдаги улкан аҳамиятини инобатга олиб ҳамда миллий-диний аъёнларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2019 йилда Рамазон Ҳайитининг биринчи куни 5 июнь – чоршанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2019 йил 5 июнь Рамазон Ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 ноябрдаги "2019 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини қўриш тўғрисида"ги ПФ-5574-сонли Фармонида мувофиқ 1 июнь – шанба куни 6 июнь – пайшанба кунига қўрилган маълумот учун қабул қилинсин.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамоатчилиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон Ҳайитининг жойларда тартибли ҳамда халқимизнинг миллий ва диний аъёнларига муносиб тарзда, юқори даражада ўтиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.
4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон Ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.
5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 30 май

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



## ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА!

Болалар – келажакимиз. Эртанги кунимиз, истиқболимиз уларнинг қандай инсон бўлиб вояга етиши билан узвий боғлиқ. Мамлакатимизда "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" шиори остида бўлиб ўтаётган ижтимоий-маърифий ҳафталикда бу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил этилгани МТМлар фаолиятини тубдан такомиллаштириш, болаларнинг боғчага қамровини муттасил ошириб боришда муҳим амалий қадамлардан бўлди, десак янгилашмаймиз.

2018 йил 1 январдан бошлаб юртимиз ҳудудларида эксперимент тарихида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида янги мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш белгиланди. Бунда давлат-хусусий шериклик механизми замонавий ва ҳаммабон мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш йўлида амалий ишлар бошланди.

Юртбошимизнинг 2019 йил 8 май куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори соҳада туб ижобий бурилиш ясаш, боғчага қатнайдиغان болалар сафини кескин кўпайтириш, давлат-хусусий шериклиги ва республиканинг чекка туманлари учун ақтуал бўлган муқобил мактабгача таълим шакллари ривожлантиришда янги истиқболларни очмоқда.

(Давоми 4-бетда)

Урганч шаҳрида 30 май куни ҳукумат раҳбарлари даражасидаги Ўзбекистон – Россия Қўшма комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

## ҚЎШМА КОМИССИЯНИНГ ДАСТЛАБКИ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакат ҳукуматлари аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, етакчи иқтисодий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари, дўстлик руҳидаги кўп қиррали амалий ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Икки давлат Президентларининг мунтазамлик касб этган учрашув ва мулоқотларидаги келишувлар натижаси ўлароқ, вазирлик ва идоралар, худудлар ўртасидаги ҳамкорлик мустақамланган таъкидланди. Хусусан, ҳукумат раҳбарлари даражасидаги Қўшма комиссия тўғрисидаги қарор турли даражадаги делегациялар алмашувларини фаоллаштириб, савдо-иқтисодий, сарможий, илмий-техник ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада юқори савияда давом эттириш учун қулай замин яратмоқда.

2018 йилда ўзаро савдо ҳажми 25 фоизга ортди. Жорий йилнинг январь-апрель ойларида бу кўрсаткич

ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,3 фоиз ошиб, 2 миллиард долларни ташкил этди. Юртимизда Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида энергетика, нефть-газ, кимё, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, озик-овқат ва бошқа соҳаларда йирик инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ўзаро мулоқотнинг янги формати – ҳукумат раҳбарлари даражасидаги Қўшма комиссия кўп қиррали ҳамкорлик қўламини қўшимча йўналишлар ҳисобига кенгайтириш, олий даражадаги таширлар чоғида эришилган келишувларни муваффақиятли рўйбга чиқаришга хизмат қилади.

Мажлисида савдо-иқтисодий, сарможий, тўқимачилик, транспорт, энергетика ва қишлоқ хўжалиги каби муҳим соҳаларда манфаатли шерикликни янги йўналишлар ҳисобига кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. 2019 йил 24 апрель куни Москвада бўлиб ўтган Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматлараро комиссиясининг 20-мажлиси натижалари бу борада муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Россия томони савдо ҳажмини ошириш, худудлараро савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, турли соҳаларда истиқболли қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун барча зарур чоралар кўришни давом эттиришга тайёр экани таъкидланди.

Очик ва конструктив руҳда ўтган мажлис сўнггида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматлари, вазирлик ва компаниялари ўртасида банк-молия, инвестиция, савдо, sanoat, соғлиқни сақлаш, енгил sanoat, қишлоқ хўжалиги, энергетика, таълим, транспорт, инфраструктура, божхона соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Ҳукумат раҳбарлари даражасидаги Қўшма комиссиянинг биринчи мажлиси якуни бўйича Қўшма коммюнике имзоланди.

Дмитрий Медведев бошчилигидаги делегация шу куни Хива шаҳридаги тарихий обидалар ва диққатга сазовор жойлар билан танишди.

У.ШОНАЗАРОВ, ЎЗА махсус муҳбири

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

2019 йилнинг 30 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев топшириғига биноан 156 нафар Ўзбекистон фуқароси, асосан, аёллар ва болалар махсус авиарейсда Тошкент шаҳрига олиб келинди. Улар алдов йўллари билан Яқин Шарқдаги қуролли можаролар ҳудудига бориб қолган эдилар.

Ушбу гуманитар амалиёт инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий халқаро ҳужжатларга тўлиқ риоя этган ҳолда, шунингдек, халқаро гуманитар ҳуқуқнинг меъёр ва тамойилларидан келиб чиқиб амалга оширилди.

Хорижий жангари-террористлар билан алоқадор ҳамда терроризм қурбонлари бўлиши мумкин бўлган аёллар ва болаларга ёрдам кўрсатиш муҳимлиги БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2396-резолюцияси билан тасдиқланган.

Оғир ҳаётий даврни бошидан ўтказиб, Ватанга қайтган ҳаётларимизга Ўзбекистон ҳукумати реабилитация ва жамиятга қайта мослашишлари учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатади. Уларнинг тиббий ёрдам ва психосоциал кўмакдан фойдаланишлари, таълим ва бошқа ижтимоий дастурларда иштирок этишлари таъминланади. Қутқарилган ватандошларимизнинг тинч ҳаётга қайтишлари учун, хусусан, уларни тегишли бошлана ва иш ўрни билан таъминлаш борасида зарур шароитлар яратилади.

Барча мусулмонлар учун муқаддас бўлган Рамазон ойида фуқароларимизни қутқариш бўйича муваффақиятли амалга оширилган гуманитар миссия Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, махсус хизматлари ва бошқа идораларининг мувофиқлаштирилган ҳаракатлари самарасидир.

Қатор хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар, жумладан, Халқаро Қизил хоч қўмитаси ва ЮНИСЕФ томонидан муҳим кўмак кўрсатилди. Ўзбекистон томони мазкур тадбирда иштирок этган барча ҳамкорларига фуқароларимизни Ватанга эсон-омон қайтаришда қўрсатган ёрдами учун миннатдорчилик изҳор этади.

Турли сабабларга кўра бегона юртларда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган ватандошларимизга уларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси ҳимоясида эканликларини, давлат уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча чораларни қўлашгани маълум қилишни муҳим деб ҳисоблаймиз.

## XXI сағоси

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ўтказилаётган акция "Меҳримиз сизга" деб номланади. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан таълим масканларида тахсил олаётган кам таъминланган оилалар фарзандлари, ўз хонадонида таълим олаётган имконияти чекланган ҳамда узоқ вақт давомлашишга муҳтож болалар учун ўтказилаётган акция доирасида қатор маданий-кўнгилочар тадбирлар ташкил этилмоқда.

● Намангонда навбатдаги аъёнанавий "Гул байрами" бўлиб ўтмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўтган йили ушбу байрам халқаро мақомага эга бўлди ва бу йилги тадбирда Россия, Голландия, Жанубий Корея, Туркия, Қозоғистон ва бошқа ўндан ортиқ давлатлардан иштирокчилар таширф буюрди. Байрам тадбири давомида гул ишқибозлари учун ўзларини қизиқтирадиган саволларга жавоб олиш, ёқиб қолган гулларни харид қилиш имконияти яратилди.

● "Эзгу гоёдан – эзгу мақсад сари!" шиори остида Қорақалпоғистоннинг Қораўзақ туманида "Беш ташаббус – беш имконият!" мавзусида ёшлар форуми бўлиб ўтди. Форум доирасида ўтказилган спорт мусобақалари ва кўрик-танловлар голиблари, фаол иштирокчилар ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури тадбирга ўзгача завқ бағишлади.

● Жиззахда ўрта махсус касб-хунар таълими ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Ёш кутқарувчи" мусобақасининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Маданият вазирликлари, Касб-хунар таълими маркази ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ўтказилган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 жамоа иштирок этди.

### ЖАҲОНДА

● Санкт-Петербургдаги "Балтика" заводидан янги "Урал" атом музёрининг фойдаланишга топширилиши маросими бўлиб ўтди. Уч метр қалинликдаги музларни ёриб, Арктикада бемалол ҳаракатлана оладиган ушбу кема "Сибир" ва "Арктика" атом музёриларидан кейин Россиянинг учинчи шундай қудратли техника воситасидир. "Росатом" корпорацияси маълумотларига кўра, жорий йил охирига қадар яна иккита атом музёри қуриб битказилади.

● Лос-Анжелесда ўтказилаётган кўргазма "Голливуднинг орзудаги машинаси" деб номланади, унда энг машур киноленталарда суратга олинган ва бунинг учун махсус ишланган автомобиллар намоиш этилмоқда. Ушбу гаройиб кўргазма 2020 йилнинг март ойига қадар давом этади.

● Венгрияда Дунай дарёсида сайр қилиб юрган 33 нафар Жанубий корейлик сайёҳлар қайғи сувада бошқа бир қайик билан тўқнашиб кетиши натижасида ағдарилиб тушган. Бахтсиз ҳодиса туфайли камида етти нафар одам ҳалок бўлди, ўндан ортиқ киши бедарак йўқолди. Қайиклар тўқнашувига тинимсиз ёмғир йўқлиги боис дарё сатҳининг кўтарилиши ҳам сабаб бўлиши мумкинлиги айтилмоқда.

**Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**

**Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўтмиши ҳар бир мамлакатда ўзига хос бўлиб, бу Ўзбекистонда ўзгачадир. Маъжозий маънода айтганда, маҳаллани кўп қиррали қимматбаҳо тошга қиёслаш мумкин. Чиндан ҳам шундай. Бугун маҳалла томонидан кўплаб ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги вазифалар муваффақиятли ҳал этиб келинмоқда.**

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашдан тортиб, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маҳаллий давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш ва яна қўллаб масалалар ушбу масканда амалга оширилади. Ғарб давлатларида индивидиаллик кучли бўлиб, бу кўп ҳолларда инсоннинг ёлғизлиги олиб келади. Аникроқ айтганда бўлса, киши бирон муаммага дуч келганда, уни фақат ўзи ҳал этиши керак бўлади, унга ҳеч ким ёрдам келмайди. Бизда эса мулқалоқ бошқача, яъни ҳар бир инсоннинг яши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам ёнида туррадиган одамлар — маҳалла фаоллари бор.

Маҳалла биргина ана шу жиҳати билан ҳам ўрганишга муносиб институт. Қолаверса, жамиятда тинчлик-тотувилик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишда халқимизга энг яқин ижтимоий тузилма — маҳалла ҳисобланади. Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни миллий урф-одат, анъана ҳамда қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, спорт билан шугулланишлари ва замонавий касб-хунарни эгаллашга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, тadbиркорликка жалб этиш, оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш, уларнинг манфаатларини қонуний йўли билан ҳимоялашда фуқаролар йиғинларининг таъсири тобора ошиб бормоқда. Хусусан, улар томонидан ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрли ишлар рўйбга чиқарилаётди.

Тасаввур қилинг маҳалладаги ҳар бир ўғил-қиз жамоатчилик назорати остида бўлади. Керак пайтда уларга ўғит ва панд-насихат берилади. Шу маънода унинг ёш авлодни қўллаб-қувватлаш ва тарбиялаш борасидаги ролини бошқа ҳеч бир тузилма билан қиёслаб бўлмайди. Айни чоғда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва юртимиздаги мавжуд 10 мингга яқин фуқаролар йиғинларининг ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий,

ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, жисмонан соғлом ва маънавий етук авлодни камолга етказиш, ўзлгимизга ёт бўлган зарарли таъсирлардан ҳимоялаш борасидаги аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бунда, албатта, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилгани ва замонага мос равишда такомиллаштириб борилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони маҳалланинг жа-

дастурида аҳоли бандлигиндан тортиб, тўй ва бошқа маросимларни ихчамлаштириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш унинг асосий вазифалари бўлиши белгилаб берилган. Шунингдек, маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилгани ва замонага мос равишда такомиллаштириб борилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони маҳалланинг жа-

датурида аҳоли бандлигиндан тортиб, тўй ва бошқа маросимларни ихчамлаштириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш унинг асосий вазифалари бўлиши белгилаб берилган. Шунингдек, маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилгани ва замонага мос равишда такомиллаштириб борилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони маҳалланинг жа-

**МАҲАЛЛА – ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ ЎРТАСИДАГИ КЎПРИК**

мият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш, фуқаролар йиғинлари ишини ташкил этишининг замонавий механизмларини жорий қилиш, соҳага малакали, бой ҳаётий тажрибага эга ва фидойи кадрларни жалб этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Президентимиз Фармонидagi янги тартибга кўра, эндиликда маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишларга жалб қилинмайди, фаолиятига асосий аралашуш, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклат тақиқланади, фуқаролар йиғинлари билансизда бўлган биноларни бошқа шахсларга бириктириш ёки асосий равишда олиб қўйишга йўл қўйилмайди. Буни ҳам ўз навбатида маҳалла фаолларининг самарали меҳнат қилиши учун яратилган имконият деб айтиш мумкин.

Шу маънода янги тартиб ва қоидалар асосида ўтказилган маҳалла сайловида халқнинг қизиқиши юқори бўлди. Буни 2019 йилнинг май ойида Тошкент шаҳрининг 508 та маҳалласида уюшқоқлик билан ўтган жараёнлардан, юрдошларимиз ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин, демократик тамойиллар асосида билдирганидан, ҳар бир ўринга энг муносиб номзодлар ҳолислик ва шаффофлик асосида сайланганидан ҳам билиш мумкин. Номзодларнинг уч йилга мўлжалланган

лаётган оқсоқолимизга боғлиқ, Халқнинг дарди билан яшаб, меҳнат қиладиган, кўлидан ташкилотчилик ва халқни ордин эргаштира оладиган раис сайланса, нур устига нур. Бунинг акси бўлса, маҳалладан файз қочади. Шунинг учун сайловчиларнинг шу жиҳатларга эътибор билан номзодларни ёқлаб берган овози катта аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

“Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги Қонуни такомиллаштирилган тарзда янги тахрирда қабул қилиниши сайлов жараёнини янада демократлаштиришда ошқоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи принципларига амал қилинган ҳолда ўтказилишида муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур қонунга кўра бўлиб ўтган сайловларнинг барчаси яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди. Сайланган 508 нафар раиснинг 242 нафари қайта сайланди ва 266 таси биринчи мартаба сайланди. Сайланган раисларнинг 415 нафари олий маълумотли.

Сайлов якунлари бўйича шаҳар кўмаклашувчи комиссияга келиб тушган ариза-шикоятлар назоратга олинди, ўша кунгек ёки 3 кун мuddат ичида ёзма жавоблар берилиши таъминланди. Ўйлашимизки, халқимиз ишонч билдириб фуқаролар йиғинларига сайланган раисларимиз ўз маҳалладошларининг ишончини оқлашга ҳаракат қиладилар, маҳаллала-

римизда тинчлик, осейишталик, хотиржамликни таъминлашга аҳоли ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳаббат ҳамжиҳатлик, ўзаро тотувлик, эл-юрт тақдирига муқаддас ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини тарбиялашга улғу ишларни амалга оширишга қодир эканликларини исботлайдилар. Тошкент шаҳрида 2016 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ўтган сайлов жараёнларида бир қатор хато ва камчиликлар кузатилган эди. Жумладан, тушунтириш ишлари яхши ташкил этилмагани боис айрим ҳудудларда қонун бузилишлари, белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилмаслик ҳолатлари юзага келган. Баъзи маҳаллаларда гуруҳбозлик, тартибсизлик, норозилик ҳолатлари кўзга ташланганди. Шу нуктага назардан, бу йил ўтган сайлов натижаларини яна бир бор таҳлил қилиб, ундан тўғри хулоса чиқарган ҳолда сиёсий жараёни қонун доирасида ўтказишга ҳаракат қилдик. Биринчи навбатда, маҳалла фуқаролар йиғини раислигига муносиб номзодлар рўйхати шакллантирилишида шу ҳудуд аҳолисининг фикри инобатга олинди. Ҳар бир маҳалладаги сайлов тушунтириш-тарғибот ишлари билан бошланиб, сайловга келган фуқароларга “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги қонун мазмун-моҳияти, унга кўра сайлов қонунчилигида қиритилган аниқликлар бўйича батафсил тушунчалар берилди. Айрим маҳаллаларимизда камчиликлар ҳам бўлди. Лекин улар жойида, ҳамжиҳатликда бартараф этилди. Бир сўз билан айтганда, фуқаролар йиғини сайлови биринчи бор тарихда ўта шаффоф тарзда ўтказилди. Бундай эркин сайлов Президентимиз олиб бораётган сайлов борасидаги сиёсатининг демократик руҳда ўтганининг исботидир. Яна бир муҳим жиҳати, янги сайланган раисларнинг барчаси Президент бошчилигида олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар моҳиятини, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши кераклигини яхши тушунади. Юрбошимиз Шавкат Мирзиёев айтганларидек, “Маҳалла халқ билан давлат ўртасидаги кўприк бўлиши керак. Одамларнинг қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиш маҳалланинг асосий вазифасидир”.

**Тошпўлат МАТИБАЕВ,**  
**халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқолари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси, социология фанлари доктори**

**СОҲА РИВОЖИГА ҲИССА ҚЎШАДИ**

**Давлатимиз раҳбари фуқароларнинг муаммо ва ташвишлари, уларни қийнаётган саволлар ҳамда йиллар давомида ечимини тополмаётган масалаларни ҳал этилиши фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончини орттиради, дея бежиз таъкидламайдилар.**

Мазкур йўналишда мамлакатимизда янги тур ҳисобланган криминалистик суд-лингвистик экспертизасини ўтказиш борасидаги ҳукумат қарори ҳам суд хатшунослик экспертизасининг яна бир тури ривожига ҳисса қўшди.

Хусусан, суд-лингвистик экспертизаси тадқиқотларини олиб борадиган давлат суд эксперти — тилшунос “мақсадли” компонентни тадқиқ этиши, шу билан бирга матн муаллифи унда матндан фойдаланишидаги мақсадларни аниқлаши зарур. Шунингдек, аниқланган мақсад муаллиф нутқининг қайси бўлимига тааллуқлилигини юзага чиқариши даркор. Суд лингвистика экспертизаси — матнни процессуал тартибга солувчи тадқиқот, унинг якунида суд экспертининг махсус лингвистик билимларига таянган ҳолда тузилган экспертнинг ёзма хулосаси билан тугалланади.

Маълумки бугунги кунда ОАВ тизими ўта ривожланган ва ривожланаётган бир даврда табиийки шахсларро маълумот алмашинуви, уни қўллаш мақсадлари, тури ҳамда имкониятлари ортган. Бу жараёнда субъектнинг мавжуд маълумотларини қай йўсинда қўллаши, бу қўллаш оқибатида у ёки бу субъектга бу маълумотнинг қандай таъсир ўтказиши мақсадлида тузилган аниқлашда айнан суд лингвистик экспертизаси ўтказилиши талаб этилади.

Суд лингвистика экспертизасини ўтказиш орқали мазкур масалалар тўғрисида ҳал этилади. Бирон бир матнда қайд этилган аниқ объектлар, субъектлар, ҳодиса ёки ҳолатлар ўхшашлигини идентификациялаш; матн, сўз, гап (объект)нинг қўлланган, тилшунослик таърифирага мувофиқ келувчи ҳамда уни (сўз, гап ёки матн) бўлақларидан қай бирига мансублигини таснифий жиҳати; сўз, гап, матн унинг парчаси мазмунининг таъсир этиш ҳолатлари, ундан келиб чиқадиган оқибатларнинг диагностикали вазифалари; тил қонун-қоидалари матнда таърифи келтирилган воқеаларнинг бузилишини келтириб чиқарган коммуникатив ҳолатни тадқиқлашга қаратилган вазият билан боғлиқ (ситуацион) масалаларни ҳал этади.

Юқоридаги кўрсатиб ўтилган масалалар шахсларро ва шахсларнинг жамиятга бўлган муносабатларини нутқ элементларининг хусусиятлари орқали тадқиқ этилиши жараёнида коммуникатив вазиятнинг хусусиятлари, айнан нима айтилганлиги ҳақидаги маълумот тилшунослик услублари орқали ёзма таърифи тўлиқ ўрнатилади.

Ушбу тадқиқотда ёзма матнни мазмунан нутқий фаолият мавзуси матнда билдирилган муносабат, мақсад ҳам тадқиқ этилади.

Бундан ташқари, суд-лингвистика экспертизаси: мурожаатчининг нафсонияти, ғурурини камситувчи, негати баҳоловчи фикрлар; жисмоний ёки юридик шахслар ҳақида салбий маълумот, унинг мазмуний шакли; ҳақоратомуз, нопок, шармандали сўз иборалар; сўз ва ибораларнинг маълум жаргонга мансублиги (ёшлар, жиноий, гиёҳванд); таҳдид ёки мажбурловчи мазмунда бўлган сўзлар ёки буларга чорлаш; салбий ва ҳақоратомуз таърифларни шакллантирувчи тил ва стилистик воситалар.

Суд лингвистика экспертизаси гап, сўз, ибора, матн мазмунининг объектив таърифини, қайсики тилшунослик таҳлили билан аниқ баён этилган иборалар билан ифодаланади.

Суд лингвистика экспертизаси далиллар мезонларига жавоб бера олиши лозим. Бу эса эксперт-мутахассиснинг ҳар бир фикри “ҳақиқат/ёлғон” мезонлари ила текширилиши, уларнинг хулосалари эса асослан-тирилган, яъни баҳоловчи фикрлар эмас, балки далиллар билан исботланган бўлиши талаб этилади.

Бунда суд лингвистика экспертизасини ўтказилишида қўлланиладиган услублар қуйидагилар: матн мазмуний ахборот манбаи сифатида қўриб чиқишлиши, матн мулоқот қирлиги, коммуникатив фаолият қирлиги ҳисобланиши, бундай қараш ҳуқуқий жиҳатдан аҳамиятга матн ва унинг муаллифлари масъулиятига тегишли.

Шунинг учун муаллифининг матн тузишдаги фаолиятини унинг коммуникатив фаолигидаги иш жараёнини нутқ ва матн тузилиши сифатида ўрганиш муҳим методологик асосдир.

Суд лингвистика экспертизасининг асосий услублари: матннинг морфологик таҳлили, бунда матннинг морфология, жумладан сўз ўзгартирувчи, сўз ясовчи услублар, сўзларнинг грамматик маъноси ва бошқалар ўрганилади. Матннинг лексик таҳлили жараёнида сўзнинг маънавий унсурлари (синоним, омоним, антоним)лар ўрганилади. Бунда эксперт сўзнинг аниқ матнда қўлланилган маъносини рўёбга чиқариши лозим.

Суд лингвистика экспертизасининг бугунги кундаги аҳамияти муҳимлиги, унинг истиқболлари ва ривожланишининг зарурати, бу тур экспертизада ҳал этиладиган масалаларнинг долзарблиги унинг ҳукумат қарорларида қайд этилишидир.

**Нигора НИШАНОВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Хужжатлар криминалистик экспертизаси (ХКЭ) лабораторияси стажёри**

**“Ҳар бир оила – тadbиркор” дастури – амалда**



**ЎЗИГА ХОС МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР**

**Мамлакатимизда оилавий тadbиркорликка кўмаклашиш, ёшларнинг бизнес-ғояларини амалга оширилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

– Ўтмишимиз – келажак йўқ, – дейди Сергели туманида истиқомат қилувчи тadbиркор Гулнора Тешабоева. – Ўз тарихини билмасдан туриб, бирон бир кишида ҳозирги кун ва келажак йўли тўғрисида аниқ ва тўғри тасаввурнинг шаклланиши мумкин. Шу сабабли тарихий қадриятларини, миллий аъёнлар ва маданиятни ҳурмат қилиш ва тиклаш ёшлар тафаккурини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шуни тан олиш кераки, яқин ўтмишда айрим хотин-қизлар аста-секин миллий руҳда беэзаган ёки миллий услубда миллий матолардан тикилган кийим-кечакларни кийишдан воз кеча бошлаган эди. Ҳозир эса бунинг аксига ғувоқ бўлиб турибмиз. Кўз ўнгимизда барча миллий аъёнлар, шу жумладан ўзбек миллий матолари оммалашиб бормоқда. Машҳур хоржий дизайнерларнинг либослар намоишларида ўзбек мутахассислари фаол иштирок этмоқда.

Айнан ана шу ҳолатлар қаҳрамонимиз томонидан ҳам эркаклар, ҳам хотин-қизлар учун аъёнавий кийим-кечак тиқиш бўйича оилавий бизнесни йўлга қўйилишига туртки бўлди. Моҳир чевар томонидан тикилган қўйлақлар, чопонлар, бош кийимлари, шунингдек, шарқона нақшлар туширилган оёқ кийимлари ва бошқа ашёлар бетакорор гўзаллиги билан кишини мафтун этади, харидорлар ўртасида оммалашиб кетган.

Ҳозирги пайтда Сергели туманидаги “Баҳор” ательесиди Гулнора Тешабоева қизлари Дилноза, Элнора, Дилором, Муаззам ва келини Умида билан бирга ўзида барча шарқ халқларига хос бўлган умумий хусусиятларни мўжассамлаштирган ва айни пайтда индивидуал, бетакорор қўйинишларга эга бўлган миллий либосларни тиқиш билан шугулланмоқда. Вақт ўтиши билан ўзбек миллий либослари ўзгаришларга учраган бўлса-да, ўзининг замонавий қўрнинишда шарқ халқларининг бой маданий аъёнларини ва илдизи қадимги замоналарга бориб тақаладиган тарихий алоқаларни сақлаб қола олди. Гулнора Тешабоева яратётган либослар бунга яққол мисолдир. Улар бой маданий аъёнлар, халқ турмуш тарзининг бир қисми ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Худудларда аҳолини тadbиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тadbиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида берилган имтиёزلардан фойдаланган ҳолда чеварлар томонидан ишлаб чиқариш ҳажми ошириб бормоқда. Фақат шу йилнинг ўтган даври мобайнида улар 150 миллион сўмлик махсуслотни сотишга муваффақ бўлган.

Минглаб йигит-қизлар бу либосларни аъёнавий байрам тadbирлари, тўй маросимлари ва халқ сайилларига қийиши кишини қувонтиради.

**Х.УБАЙДУЛЛАЕВ**  
**Тимур КАМИЛОВ олган сурат**

**XXI АСР – ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАР АСРИ**

**Сўнги йилларда мамлакатимизда илмий ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан юртимизда илм-фан, таълимни янада ривожлантиришга қаратилган Фармон, қарор ва давлат дастурларининг қабул қилиниши, ушбу соҳа фидойилари, ёш олим ва тадқиқотчилар, умуман, мамлакатимиз интеллигенциясига бўлган ғамхўрлиги сабаб, Ўзбекистонда ҳам илм-фан тараққиёти янги босқичга кўтарилди. Ўтган 2018 йил бежиз “Фаол тadbиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”, деб белгиланмади. Жорий йилнинг эса “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилиниши бу борада амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатдан янада фаоллаштирди.

Айниқса, иқтидорли ёшларнинг миллий ва халқаро мусобақалар, нуфузли танловларда салмоқли натижаларни қўлга қиритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёш истеъдод соҳибларининг илмий-ижодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш борасида қўрилаётган мақсадли чора-тадбирлар натижасида умумтаълим мактаблари, академик лицей ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабалари ҳар йили республика ва халқаро фан олимпиадаларида юқори натижаларни қўлга қиритмоқда. Беруний, Навоий, Улугбек, Ибн Сино, Имом ал-Бухорий ва Исрол Каримов номидаги давлат стипендияларига танловлар ўтказиб келинмоқда. Ёшлар учун Президентнинг давлат стипендиялари, Зулфия номидаги Давлат мукотиби таъсис этилган.

Аммо амалга оширилаётган тадқиқотларнинг ҳаммаси ҳам илм-фаннинг бугунги кун тараққиёти, талаб ва эҳтиёжи даражасига тўла жавоб беради дейиш қийин. Илмий маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун янги замонавий тажриба, инновацион марказларни ташкил этиш, маркетинг ва лицензиялаш хизматларини замон талабига мос шакллантириш зарурати соҳа олдида бир қатор вазифаларни қўймоқда. Шунингдек, олимлар, мутахассис, ёш тадқиқотчиларнинг ишлаши, яшаши, дам олиши учун зарур шароитлар яратиш ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим масала ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 24 май кунги Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашувда илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва уларни моддий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, юқорида таъкидлаб ўтилган муаммолари масалаларга ечим топилди.

Учрашувда сўнги йилларда соҳа ходимлари изчил рағбатлантирилиб келинаётгани таъкидланди. Хусусан, илмий ходимларнинг ойлик маоши ўтган йили 1 сентябрдан ўртача 25 фоизга, жорий йил 1 январдан 20 фоизга оширилган эди. 1 июлдан эса яна 25 фоизга кўтарилди. Бундай амалий чораларнинг давоми сифатида жорий йил 1 сентябрдан барча давлат ташкилотларида илмий-педагогик фаолият билан шугулланаётган, таълим ва илм-фан соҳасида фаолият олиб бораётган фан номзодларининг ойлик маоши 30 фоиз, фан докторлари учун эса 60 фоиз остама ҳақи белгиланганидан бўлди. Илмий муассасаларни келгуси йилдан тўғридан-тўғри давлат бюджетидан молиялаштиришга ўтказиш тақлифи олимлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Учрашувда Президентимиз олим ва педагогларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш масалаларига ҳам эътибор қаратди. Хусусан, Талабалар шахарчаси ҳудудиди профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар учун 6 та кўп қаватли уй ва барча шароитларга эга универсал спорт мажмуаси қуриш бўйича топшириқ берилди. Шунингдек, шахарчада Ёшлар боғи, ёзги томошалар майдончаси, “китоб-кафе”нинг, Wi-Fi зоналарини ташкил этиш ва ободонлаштириш бўйича вазифалар белгиланди.

Президентимиз учрашувда истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларни мақсадли тарбиялаш борасидаги ишларни янада қучайтириш лозимлиги, илмни, тарбияни тўғри қилсақ, ҳамма соҳаларни малакали мутахассисларнинг ўзлари ривожлантириши-ни, янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ҳар доим катта муваффақиятга эришиб, тараққиётга чо тутишини қайд этди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти авваломбард илм-фан, олий таълим ютуқларига таянади. Илм-фан ва таълимга юқори технологиялар асосида янгича қараш билан ёндашмас экан-миз, бу соҳада юқас натижаларга эришиб бўлмайди. Айниқса, бу ҳақиқатни XXI аср — технологиялар ва интеллектуал ёшлар асрида янада теранроқ англаймиз.

**Илём АБДУМАЖИДОВ,**  
**халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши**  
**ЎЗМТДПдан сайланган депутат**

**ҚИСҚА САТРЛАРДА**

- **Тошкент шаҳрида Радиоақсостта спектри ва йўлдош орбиталаридан фойдаланиши тартибга солиш бўйича Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик комиссиясининг 15-мажлиси бўлиб ўтди.**
- **Пойтахтимизда Олий аттестация комиссияси томонидан “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси ҳамда Олий аттестация комиссияси тузилмасини такомиллаштириш борасида белгиланган чора-тадбирлар” мавзусида анжуман ўтказилди.**
- **Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжумани “Тиббий таълимдаги ислохотлар — мамлакатимиз тиббиёт соҳаси тараққиётининг мезонларидан бири” мавзусида бағишланди.**

**Шахримиздаги Ёшлар ижод саройида “Бизнинг энг катта таянчимиз ва суюнчимиз, ҳал қилувчи кучимиз – ёшлар!” шiori остида “Ёшлар бандлигини таъминлаш энг муҳим вазифамиз” мавзусида ёшлар форуми ўтказилди. Унда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Тошкент шаҳар Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси вакиллари, уюшмаган ёшлар ҳамда журналистлар иштирок этди.**



## ЭНГ КАТТА ТАЯНЧИМИЗ ВА СУЯНЧИМИЗ — ЁШЛАР

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган форум давомида мамлакатимизда ёшларга оид олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишлари, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича фикр алмашилди. Маърузаларда ёшларга эътиборни кучайтириш, улар ўртасида китоб-хонлиқни тарғиб қилиш, ёш тадбиркорларнинг истиқболли гоёлари ва лойиҳаларини рўёбга чиқариш, уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида ургу берилди.

Шунингдек, анжуман доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгаш депутатлари, партия масъуллари иштирокида ёшлар билан учрашув ўтказилди. Унда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта ташаббус хусусида сўз юритилди. Эндиликда ушбу тажрибани юртимизнинг барча ҳудудларида кен-

зорий қилиш масалалари муҳокама қилинди.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Сарвархон Иброҳимхоннинг маълум қилишича, мазкур форум уюшмаган ёшларни меҳнат ярмаркасига кенг жалб қилиш, ёшлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иш ўринлари яратиш ва ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Шунингдек, форум доирасида уюшмаган ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига қизиқтириш, ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш, уларнинг мамлакатимиз келажаги йўлидаги интилиши, изланишлари, жамоат ишларидаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Тадбирда ёшлар томонидан кўтарилган муаммолар, ўртага ташланган таклиф ва мулоҳазалар форум ташкилотчилари томонидан атрофлича ўрганилди.

Ёшлар форумида қатнашганлар, пойтахтлик иқтидорли ёшлар яратган иштирокларни кўриб, уларнинг келажақ ҳақидаги тасавурларини янада бай-

ди. Иштирокчилар ўзимизнинг ёшлар экани барчанинг кўксини ғурурга тўлдирди. Форум доирасида ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркасида эса Тошкент шаҳридаги 60 га яқин тадбиркорлик субъекти 500 дан зиёд бўш иш ўрни билан қатнашди. Форумда иштирок этган 700 га яқин ёшлар, битирувчи талабалар, уюшмаган ёшларнинг бўш иш ўринларига эга қорхона ва ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан амалий мулоқоти натижасида 250 нафар уюшмаган ёшлар ҳамда касб-хунар коллежи битирувчиларига ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди.

Форум давомида иштирокчилар мамлакатимизда ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам таништирилди.

Тадбирда иштирокчиларга кўтаринки кайфият улаштириш мақсадида хушроғ хонандалар томонидан куй-қўшиқлар янгради.

**Мурод ЎРИНОВ,**  
**O'zLiDeP Тошкент шаҳар**  
**Кенгаши матбуот котиби**

### Таълим

## “КИЧИК АКАДЕМИЯ”НИНГ САЛМОҚЛИ ИШЛАРИ

**Ҳаммамизга маълумки, ёшлар ичидан иқтидорли болаларни излаш, уларга таълим-тарбия бериш ҳамда юксак истеъдод эгаси қилиб камолга етказиш давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифалардан биридир.**

Биламизки, билим мутлоа натижасида пайдо бўлади, қобилият эса инсоннинг индивидуал салоҳияти, имкониятларидан биридир. Иқтидор ва қобилият билим олиш жараёнида ёрқин намоён бўла бошлайди. Бундай юксак сифатга эга бўлган болаларга фикрлаш, мушоҳада қилиш ва бирор нарса яратишга ундовчи билим зарур.

Бу борада Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида интеллектуал салоҳиятли ёшларни аниқлаш, иқтидорларини юзага чиқариш, ақл-заковати ва ижодий қобилиятини янада ривожлантириш учун кенг шароит яратиб берилган.

Ўқув муассасасида турли фанлар ҳамда йўналишлар бўйича тўғрақлар йўлга қўйилиб, дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчилар иқтидорини янада ривожлантиришга. Ушбу билим даргоҳида бундай улкан вазифани ўз зиммасига олган иқтидорли-ижодий уюшма мақомидаги “Кичик академия” 2005 йилдан буён иш олиб бораётган бўлиб, унинг зиммасига қобилиятли ўқувчилар илмий ёки ижодий ишлар билан шуғулланишлари, адабиётлардан оқилона фойдаланишини ўрганишлари, беғубор орзу-мақсадлари сари интилишлари учун кўмаклашиш вазифаси юклатилган. Мактаб “Кичик академия”си ўқувчиларнинг салоҳиятини намоён қилишлари, касб танлашлари, кўмак бериш, кейинги ўқув йилининг режасини тузишни мақсад қилиб қўйган. Ушбу уюшма 2018 йилгача тўрт йўналишда фанлар кесимида ўқувчилар билан ишлаш, ёш ижодий изланув-

чилар бўлими, илмий тадқиқотчилар бўлими, маданият ва спорт йўналишлари бўйича иш олиб борган бўлса, 2019 йилдан эса беш ёшли иштирокчи ва дастурчилар йўналиши бўйича фаолият юритиб келмоқда.

Ҳар бир йўналишда ўқувчилар иқтидорларидан келиб чиқиб, иқтидорли равишда аъзо бўлмоқдалар. “Кичик академия” аъзолари мактабда спорт, илм-фан, адабиёт ва санъат намоёндалари билан ўтказилаётган учрашувларда қатнашадилар. Ўқув йили якунланиши арафасида эса изланишлари самарасини махсус кенгаш олдига ҳимоя қиладилар.

Уюшма аъзоларидан 5 “В”-синф ўқувчиси Фахриёр Нажмиддинов Малайзиянинг Таиланд шаҳрида, 9 “Е”-синф ўқувчиси Сайёра Абдухамидовна Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида, 7 “I”-синф ўқувчиси Виктория Цой Франциянинг Париж шаҳрида, 5 “J”-синф ўқувчиси Султонла Раупов Озарбайжоннинг Боку шаҳрида ўз иқтидорларини намоён иш этди.

— Ўқувчилар билан йил давомида иш олиб борамиз, — дейди мактаб “Кичик академия”си раҳбари Малика Абдуллаева. — 2018-2019 ўқув йили якунида мактаб “Кичик академия”сининг илмий-амалий ҳисобот фестивалида иқтидорли ўқувчиларнинг энг сара асарларини, ижодий ишларини кўриб чиқдик. Иқтидорли ўқувчиларнинг эрта аниқлаб, уларнинг рўёбга чиқариш мақсадидамыз. Келгусида бундай ўқувчиларимиз энг яхши мутахассислар бўлиб етишади. Биз бунга ишонамиз.

**Дилором ҲАЙДАРОВА**

## ТЕЖАМКОРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

**Юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг кўламда имкониятлар ва имтиёзлар яратилиши натижасида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаси йилдан йилга ривожланмоқда.**

Бугунги кунда иқтисодий ривожланишнинг электр энергиясиз тасавур қилиб бўлмайди. Ўз навбатида ишлаб чиқаришда энергия тежамкор ускуна ва қурилмалардан фойдаланиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархини пасайтиришга таъсир кўрсатиш билан биргаликда мамлакат табиий бойлигини самарасиз ва ноқилона фойдаланишдан ҳам асрайди.

Шу ўринда бугунги кунда бутун дунёда энг тежамкор ҳамда экологик жиҳатдан хавфсиз ва тоза бўлган диодли лампалар республикамизда ишлаб чиқарилиши истиқболимизни яна бир ўтуқларидан десак адашмаган бўламиз.

Диодли лампалар ўзини аввалги чўлғамли лампаларга нисбатан бир қанча афзалликларга эга, яъни чўлғамли лампаларга нисбатан 10

қарра, энергия тежамкор газли лампаларга нисбатан 5 қарра электр энергиясини кам истеъмол қилади, ишлаш соати 3-5 қарра юқори, кучлиниш ва иқлим ўзгаришига кам таъсирлидир.

Электр энергиясини тежаш ҳамда ундан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида барча соҳадаги ёритиш қурилмаларида диодли лампалар ўрнатилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси томонидан қатор қонунлар, қарорлар ва дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича босқичма-босқич ишлар олиб борилмоқда.

**Баҳодир ШОКИРОВ,**  
**“Ўздавэнергоназорат”**  
**инспекцияси Тошкент ҳудудий бўлими инспектори**

## РЕСПУБЛИКА ФЕСТИВАЛИ

**Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси томонидан болалар қўшиқлари республика фестивали бўлиб ўтди.**

— Фестивални ўтказишдан кўзланган асосий мақсад болалар қўшиқчилигини янада ривожлантириш, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган муסיқачилар, болалар шоирларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, келажақ авлод учун янада мукамал, юксак савияли муסיқий асарлар тақдим этишдан иборатдир, — дейди Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. — Зеро, болалар

кељағимизнинг истиқболли эртасидир. Уларнинг иқтидорини янада шакллантириш, рағбатлантириш ва шу билан бирга болалар ижодкорларини қўллаб-қувватлаш замирида бахтли ҳаётнинг нурафшон эртаси мужассамдир.

Танлов якунида биринчи ўринга композитор Жумадилла Назаров муסיқаси, шоира Умида Абдузимова шеъри билан айтилувчи “Фил” кўшиғи ҳамда Хурши-

да Ҳасанова муסיқаси, Дилшод Ражаб сўзи билан айтилувчи “Ҳар ён чиройли” кўшиғи сазовор бўлди.

Фестивалнинг бошқа бир қатор голиб ва совриндорлари ҳам муносиб тақдирланди.

**Зилола МАҲАММАДЖОНОВА,**  
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультети 3-босқич талабаси**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди “Маънан етук ва юксак маърифатли ёш авлодни тарбиялашда ижтимоий шерикликни кучайтириш” мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун**

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:

— ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳаларини амалга оширишга, банд бўлмаган ишсиз ёшларни фойдали меҳнат фаолиятига ўргатиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашиш;

— ёшларнинг интеллектуал салоҳиятларини юксалтириш, уларнинг инновацион фикрлашини, кашфиётчилик, рационализаторлик гоёлар ва намуналарни ишлаб чиқишга йўналтириш;

— ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашга кўмаклашиш, она Ватанга муҳаббат, бузғунчи гоёларга қарши иммунитетларни янада кучайтириш;

— ёшларни юртга садоқат, маданий меросга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлашга, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга, уларни оммавий маданиятнинг салбий иллатлари таъсиридан ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

— ёшларнинг кенг кўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, уларнинг ташаббуслари ва замонавий гоёларини илгари суришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;

— ёшлар орасида китоб ўқиш маданиятини шакллантириш ва китобхонликни аҳолининг кенг қатламлари ўртасида тарғиб қилиш;

— ўсмирлар, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга, “Жаҳолатга қарши маърифат” гоёси асосида кенг тарғибот ишларини амалга оширишда замонавий инновацион ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш;

— яқин қариндошлар ва ёшлар ўртасида эрта никоҳни, оилада ижтимоий-маънавий муҳитни салбий таъсир кўрсатувчи, низоли вазиятларнинг олдини олишга, соғлом маънавий муҳитни таъминлашга кўмаклашиш;

— ўсиб келаётган ёш авлодда ота-онани, кексаларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва уларга ғам-ҳўрлик кўрсатиш туйғусини шакллантириш;

— ёшларни, айниқса ёш қизларни, ёш оилаларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликни ташкил этишига кўмаклашиш; — уюшмаган ҳамда ноқонуний меҳнат мигрантлиги натижасида хорижий давлатлардан депортация қилинган ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни мамлакатдаги бунёдкорлик ишларига кенг жалб қилиш.

**Давлат гранти танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:**

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати.
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси.
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори – 30 миллион сўмгача.

Аризалар 2019 йил 29 майдан 4 июлгача қабул қилинади.

**Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юборилаётган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 43-уй.

Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (71) 239-26-76, (71) 239-26-86.

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 05.02.2019 йилда № 681248 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган “SH-M-SH” XK (СТИР 306095376) таъсисчининг 22.05.2019 йилдаги қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**  
Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида Бектемир тумани, Тўёна кўчаси, 4а-уй, “MIT STORY SERVIS” МЧЖ ҳудудидаги 2-павильон, 47-дўкон манзилида қабул қилинади. Тел: +99891 133-24-97.

Тошкент педиатрия-тиббиёт институти қошидаги 2-сонли академик лицейи томонидан 2013 йилда Қодиров Искандар Алишер ўғли номига берилган L № 0186840 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**  
Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани (аввалги Ҳамза тумани), Фарғона йўли кўчаси, 1“А”-уй, 34-хонадон эгаси Мирзаев Раҳмон Мусурмонович номига туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**  
Тошкент шаҳри М.Улуғбек тумани 241-сонли мактаб томонидан 2003 йилда Шокирова Дилбар Мансур қизи номига берилган O'R-A № 1425216 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi” давлат унитар корхонасининг устав фонди камайитирилади ва корхонанинг устав фонди 324 214 060 (уч юз йигирма тўрт миллион икки юз ўн тўрт минг олти миш) сўм деб белги-ланди.  
Маълумотлар ва аризалар Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 171-уй манзилида қабул қилинади.

“ТОШКЕНТ ОКШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”  
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39.  
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

**1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни**

**Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залига туташ ҳудудда ўқувчилар расмлари кўргазмаси очилди.**  
**1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган ушбу кўргазма Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси томонидан ташкил этилди.**



Кўргазмада 100 га яқин болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари иштирок этиб, уларнинг 300 га яқин ижодий ишлари намойиш этилди.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг ижоди билан яқиндан танишар эканмиз ёш мусаввир Наил Рахимбердиева чизган суратлар эътиборимизни ўзига жалб қилди. Ёш мусаввирнинг чизгиларини томоша қилар эканмиз қалбимиз беғубор болаликнинг энг гўзал ва шодон дамларига қайтиб боргандек, муаззам самода парвоз қилаётган тинчлик кабуларларининг беозор парвози эса барчани бирдамликка чорлаётгандек таассурот қолдирди.

– Мен ўз суратларимда тенгқурларимни турли зарарли иллатлардан огоҳ бўлишга, юрти-

**БОЛАЛИКНИНГ БЕГУБОР ЛАҲЗАЛАРИ**

миз осойишталигининг қадрига етишга, она табиатимизни асрашга ва унинг мафтункор манзараларини борича ифодалашга ҳаракат қилдим, – дейди Чилонзор тумани 15-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Камилла Исмадова. – Бу кўргазмада янги дўстлар орттирдим, олган гўзал таассуротларим эса янги суратлар яратишимга замин яратди. Келажакда моҳир расм бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб кўйдим.

14-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Хилола Ҳақимова миллий миниатюра йўналишида ижод қилади. Унинг чизган расмларини кўздан кечириар эканмиз ёшгина қизалоқнинг ярат-

ган ижоди негизда катта бир маҳорат ва юксак истеъдодни кўргандек бўлдик.

Шунингдек, кўргазмада Самандар Соҳибовнинг “Меҳр”, “Бир шингил узум”, “Зумрад қиш” деб номланган ижод намуналарини кўзатар эканмиз, келажак авлоднинг истиқболни ёрқин келажакга бугундан намойиш бўлаётгандай туюлди.

Кўргазма доирасида Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залига туташ ҳудудда болалар бадий ижодиётига доир концерт дастурлари, викторина ўйинлари ва танловлар ҳам ўтказилди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**  
**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар**

**ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА!**

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ёш авлодга пухта таълим-тарбия беришга оид эзгу ташаббуслар халқ таълим тизими соҳасида ҳам изчил олиб борилаётган. Бунда педагогларнинг касб маҳоратини ошириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий мақомини юксалтириш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан тизимли ишлар ҳаётга кенг жорий этилмоқда.

Юртимизда ўғил-қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини юксалтиришга оид жорий этилаётган бешта ташаббуслар болаларни илк даврдан санъатга ошно этиш, уларнинг китобхонлик маданиятини ошириш, билимни, салоҳиятни, илғор ахборот-коммуникация технологияларидан хабардор, қобилиятли шахс бўлиб камолга етишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Умумий қулоч ёзган ушбу ташаббуслар таълим-тарбия масканларини юксак савияли бадий адабиётлар билан таъминлашни янада яхшилаш, спорт, бадий ижодиёт тўғрисидаги ишчи жонлантириш, болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини давр руҳига ҳамроҳанг йўлга қўйишда янги имкониятларни очмоқда.

Бу йўналишдаги ислохотларнинг аниқ, манзилли ва ижтимоий хусусияти Меҳрибонлик уйлари фаолиятига бўлган эътиборни тобора кучайтириш, тарбияланувчиларга амалий гамҳўрлик қўриштириш, бундай таълим муассасаларида меҳнат қилаётган мутахассислар меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантиришда янада яққолроқ намойиш бўлмоқда.

Юртимизда кенг камровда давом этаётган “Хар бир болага меҳр, эътибор!” ҳафталиги давомида бу жиҳатлар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топаётди. Ўзбекистон Республикаси Маданият, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ва зирликлари, “Сен ёлғиз эмассан” Республика жамоатчилик болалар жамағамаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, Бадий академия, Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Республика болалар ижтимоий молажал-

ви маркази ва бошқа бир қатор ташкилотлар ушбу ҳафталикнинг янада кўтаринки ва байрамона руҳда ўтишида фалоллик кўрсатмоқда.

Пойтахтимиздаги “Ашхобод” истироҳат боғидан старт олган ушбу ҳафталик ранг-баранг ва бири-бирдан қизиқарли тадбирларга бойлиги билан диққатга сазовордир. Бадий кўргазмалар, ижодий танловлар ўғил-қизларнинг истеъдодини кашф этса, болалар жамоалари иштирокидаги концертлар юртимизда гоёт истеъдодли эканини яна бор исботламоқда.

Ҳафталик давомида истироҳат боғларида театрлаштирилган тадбирлар, концерт дастурлари, фестиваллар, болалар ижодиёти кўргазмалари, спорт мусобақалари ҳамда оммавий сайил ва томошалар ташкил этилмоқда. Барча маҳаллардаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда имконияти чекланган болалар ҳолидан хабар олиниб, байрам совғалари тақдим этилаётди. Болалар кутубхоналари, ахборот-ресурс марказлари, турли маърифий муассасаларда ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар билан ижодий кечалар, учрашувлар ташкил этилмоқда. Барча кинотеатрларда болалар учун яратилган фильмлар бепул намойиш этилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Қувнок стартлар” мусобақалари давомида болаларнинг энциклопедия синовдан ўтса, “Менинг ордум”, “Ер қурраида тинчлик” мавзюидаги расмлар кўргазмасида уларнинг истеъдоди яна бир қарра намойиш бўлишига шубҳа йўқ.

Хайрия концертлари, сайиллар, диққатга сазовор масканлар, сўлим гўшаларга экскурсиялар, спорт мусобақалари, ижодий танловлар, кўргазма ва концертлар, музикаий-шоу дастурлар юртимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтмоқда. Буларнинг барчаси навқирон авлод тарбияси, саломатлиги, таълим олиши йўлида қўриқилган эътиборнинг амалий намунаси.

**Назокат УСМОНОВА,**  
**Ўза муҳбири**

**ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ БИРИНЧИ!**

**Эртанги кунини ўйлаган ҳар бир миллат ёки жамият борки, ёш авлодга эътибор қаратади.**

Бинобарин, дунё халқлари орасида болаларнинг ижодий эътирофи этилаётган Ўзбекистон ҳам бу борада салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва “Камалак” болалар ташкилоти Сардорларнинг “Ватан, дўстлик ва бахтли болалик учун!” шиори остида XVIII аънавий анжуман доирасида фаолият самарадорлигини янада ошириш, дўстлик, ҳамжихатликни мустақамлаш ва ўзаро таъриб мактабини яратиш мақсадида “Энг намунали худудий сардорлар Кенгаши” танловининг Республика босқичи ўтказилди.

Бу йилги Сардорлар анжумани Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги “Ёшлар оромгоҳи”да ташкил этилди. Жорий йилги анжуманга 80 нафарга яқин тажрибали тренерлар, фаол ёшлар, ўз касбининг мутахассислари, ом-

мавий ахборот воситалари ходимларини ўзида жамлаган ишчи гуруҳ аъзолари мазкур тадбирни юқори савияда ташкил этишида хизматларини аямалдилар. Сардорлар қизгин ва мурокасиз тарзда “Бу бизнинг фаолият”, “Бизнинг имкониятларимиз” ва “Интеллектуал ринг” каби шартларда беллашдилар. Мазкур танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятларнинг энг зукко болаларидан иборат терма жамоалар фаол иштирок этди.

Натижаларга кўра, “Энг намунали худудий сардорлар кенгаши” сифатида Тошкент шаҳар ва Сирдарё вилояти сардорлар Кенгаши эътироф этилди.

**Азизбек ИКРОМОВ,**  
**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби**

**БАХТИЁР ДАМЛАР ШУКУҲИ**

**Мамлакатимизда ёш авлодни кенг дунёқарашли, теран тафаккурли, жисмонан ва маънан етук инсон этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб турли ижтимоий лойиҳалар, хайрия акциялари, театрлаштирилган томошалар, концерт дастурлари, кўргазмалар ва спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Яққасарой туманидаги 25-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактабда Мудофаага қўмақлашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти “Яққасарой ЎСТК” унитар корхонаси томонидан “Болалар қувончи – бахтдан

нишона” шиори остида ташкил этилди.

– Бутун дунё бўйлаб ҳар йили 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланади, – дейди ташкилотнинг Маънавият ТОИ ва ХВТ бўйича бошлиқ ўринбосари М.Қудратова. – Болаларни ҳимоя қилиш кунига байрамнинг мақсади кенг жамоатчилик диққатини муаммоли болаларга, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, бахтли болаликка эга бўлишлари ва ўз мамлакатининг тўла-тўқис,

хотиржам фуқароси бўлиб ўсишларига қаратишдир. Болалик – ҳаёт уммининг мусаффо сарчасимаси. У ҳар бир мурғак қалб учун ташвишлардан йироқ, эзгуликка тўла лаҳзадир. Гўдақларнинг бахор тонги мисол беғубор қалби фақат яхшиликларга йўғрилган бўлади.

Тадбир сўнггида “Ватанпарвар” ташкилоти “Яққасарой ЎСТК” УКСи бошланғич ташкилоти томонидан ўқув қуроллари жамланмаси топширилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

совғалар, республика бўйича 42 нафар имконияти чекланган болаларга махсус аравача, эшитиш молажаси ва бошқа керакли жиҳозлар тақдим қилинади. Болалар шифохоналарида даволанаётган 564 бола ҳолидан хабар олиниб, ўйинчоқлар топширилади.

Лойиҳа доирасида ўтказилаётган интеллектуал танловларда ғолиб бўлган 364 болага ҳамкор ташкилотлар ҳомийлигида ёнги оромгоҳларга бепул дам олиш йўлланмаси тақдим этилади.

Мактабдан олис, узок масофада яшовчи 49 болага Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг велосипедлари совға қилинади. Марказдан узокда жойлашган, маҳаллалараро ташкил этилаётган болалар спартакиадаларида ғолиб бўлган 80 та маҳалла болалари жамоаларига спорт инвентарлари совға қилинади.

Ватан, дўстлик ва бахтли болалик мавзуларида ўтказилаётган асфальтга расм чизиш танловида республика бўйича жами 70 мингга яқин бола иштирок этади. Уларнинг 2 мингдан ортми муносиб равишда тақдирланади.

“Бахтли болалик” гала-концертларида 1,3 мингга яқин болалар ижодий гуруҳи, санъат тўрагаги аъзолари иштирок этиши кутилмоқда.

**Ориф ЖУМАЕВ**

**ДИЛЛАРГА ҚУВОНЧ БАХШ ЭТДИ**

**1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини бутун дунё болалари учун энг беғубор ва қувончли байрам саналади. Мамлакатимизда ушбу байрам ҳар йили дилларда шуқуқ, қувонч ва чексиз кўтаринки кайфиятда нишонланади.**


– Байрам муносабати билан республиканинг барча шаҳар ва туманларида “Бахтли болалик” лойиҳаси ишлаб чиқилди, – дейди Республика “Камалак” болалар ташкилоти бўлим бош мутахассиси Сухроб Жўраев. – Лойиҳа доирасида “Экология ва мен” болалар конференцияси, “Миллий ўйинчоқлар” фестивали, болаларнинг тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси, “Мен ҳам аскар бўламан!”, “Биз бир сафдамиз!”, “Бола ҳуқуқлари давлат ҳимоясида!” лойиҳалари, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси менинг нигоҳимда” тарғибот-ташвиқот акцияси, “Соғлом авлод” болалар спартакиадаси, “Қадрият, урф-одат, анъана ва болалар” фестивали, болалар театр жамоаларининг чиқишлари, “Бахтли болалик” деб номланган гала-концерт ва “Зукко китобхон” интеллектуал танлови ўтказилади. Воғга етмаган, тарбияси оғир болаларнинг аҳолидан хабар олиш ва Халқаро бола-

ларни ҳимоя қилиш кунини билан маънан қўллаб-қувватлаш ва моддий рағбатлантириш учун меҳнат тарбиялаш колонияларига ташриф буюрилади. Болаларга байрам кайфияти улашиб, маданий тадбир ва концертлар ташкил этилади.

Шаҳар ва туманларнинг аҳоли дам олиш марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, сайлоқлар ва асосий майдонларда бўлиб ўтаётган тадбирларда жами 970 мингга яқин бола қамраб олинади. Мазкур тадбирларни ташкил этишда 3,5 мингга яқин сардор фаоллик кўрсатмоқда.

Республикамиздаги жами 22 та Меҳрибонлик уйининг 2483 тарбияланувчисига ҳам “Бахтли болалик” лойиҳаси ва “Камалак” болалар ташкилотининг совғалари тақдим қилинади.

“Биз бир сафдамиз” лойиҳаси доирасида кам таъминланган оилаларнинг 2,6 минг нафар фарзандлари учун яқин ўқув йилига ўқув қуроллари ва ҳар хил



**МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР**

Бир иш қилган киши атрофдагиларнинг муносабатини кутади.

Ҳаёт отлик муаллим қарзларингни топширмаганинга қўймайди.

Фақат ўзини ўйлайдиган одамда хосият бўлмайди.

Керакли одамнинг ўрни дарҳол билинади.

Бошқаларни ёмонлаб яхши бўлмайсан.

Инсонга ишониш учун имкон бериш керак.

Ношукрнинг рўзғорида барака бўлмайди.

Дангасанинг баҳонаси доим тайёр.

Нодон ўзининг нодонлигини фазилат деб билади.

Тежамкорлик бахиллик эмас.

Худбинлик ҳаммаша ҳар ишда ўз манфаатининг кўзлашдир.

Бу дунёда бир қуни келиб қош бўлмаган ёлгон йўқ.

Гап кўп бўлган ерда иш бўлмайди.

Баъзилардан хафа бўлишингни ҳам билмайсан, хафа бўлмасликин ҳам.

Авал баландлаб, кейин пастлаган ёмон.

Ота-оналик – улуғ мақом. Афсуски, ҳамма ҳам бу мақомга муносиб эмас.

Бировнинг қўлида пул турмайди, Бировнинг кўнглида сир.

Биров дон сепайи-ю, биров хирмон кўтаради.

Биров экади-ю, ўролмайди, Биров экади-ю, ўради.

Кимга иш душман, кимга бекорчилик.

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 1 июнь кунини ҳаво ўзағиб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 18-20, кундузи – 28-30 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 1 июнда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият ятади, шифосланиш даражаси паст бўлади.